

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Кудаш “Муруват” НБШУАИУ
директори



Д.Сидиков

Кудаш “Муруват” ногиронлиги бўлган шахслар учун
аёллар интернат уйи яшовчилар эҳтиёжи учун товар моддий
бойликлар сотиб олиш бўйича энг яхши таклиф

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Кудаш -2022

Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Махсулот микдори ва нархи бўйича маълумот

1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Кудаш “Мурувват” уйига захирага товар моддий бойликлар сотиб олиш бўйича танлов ўтказиш
- 1.2. Танлов қиймати : **28300000 сўм**
- 1.3. Махсулот бўйича сифатлилиги танлов хужжатларида илова қилинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш кун хисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Кудаш “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчisi ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили; Ўзбекистон тумани Кудаш “Мурувват” уйи Кудаш қишлоғи, булоқ боши кучаси 104 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Кудаш “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқуқий лаёкат ва ваколатлар;
-танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Низом маблағи микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электр танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

- 4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- 4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.
3. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солик идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

№	Малака талаблари	Бахолаш	Изоҳ
1.	Банк маълумотномаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий аҳволи барқарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Товар моддий бойликларни мувофиқлик сертификат нусхаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Товар моддий бойликларни ўз вақтида етказиб бериш бўйича кафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Товар моддий бойликларни сифати кафолати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади

4. "Муруват" уйига сотиб олинадиган товар моддий бойликлар микдори ва нархи

№	маҳсулот номи	Ўл.бир	Сони	Нархи	Суммаси
1.	Атир совун	дона	500	7000	3500000
2.	Зубной паста	Дона	360	15000	5400000
3.	Хужалик совуни	Дона	2000	5000	10000000
4.	Порошок стеральный	Кг	300	10000	3000000
5.	Шампунь 400 гр	фл	200	15000	3000000
6.	Средства для мытья 1,0 кг	фл	200	17000	3400000
	ЖАМИ				28300000